

ЁШЛАРНИНГ МАФКУРАВИЙ ИМУНИТЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИНГ РОЛИ

Рустам Ахунджанович Бегматов

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти

Мақолада ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда тарихий тафаккурнинг шакллантиришнинг роли ва аҳамияти қисқача баён қилинган.

В статье кратко изложена роль и значение формирования исторического мышления в защите молодежи от духовной угрозы.

The article briefly outlines the role and significance of the formation of historical thinking in protecting youth from spiritual threats.

Калит сўзлар: Глобаллашув, миллий урф-одатлар, анъаналар маънавият, таҳдид, миллий урф-одатлар, анъаналар, тарихий тафаккур.

Ключевые слова: Глобализация, национальные обычаи, традиции, духовность, угроза, национальные обычаи, традиции, историческое мышление.

Keywords: Globalization, national customs, traditions, spirituality, threat, national customs, traditions, historical thinking.

Бугунги миллий юксалиш шароитида мамлакатимизда ёшларни инсоннинг маънавий тақомилини юксалтириш, маърифатли шахс этиб тарбиялаш муҳим устивор йўналишга айланди. Бу эса, ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг таркибий қисми бўлиб, ёшларнинг мамлакатда олиб борилаётган ислохотларда фаол иштирокчи бўлишини таъминлайди. Ҳар бир жамият ўзининг тараққиёт йўлини белгилар экан, албатта, мамлакатнинг гули ва ишончи бўлган ёшлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Жаҳонда ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг кучайиб бориши ёшларга ўз таъсир кучини турли йўллар билан ўтказиб келмоқда. Бугунги кунда ҳар қандай ахборот яшин тезлигида дунёнинг турли чеккаларига етиб бориши, миллионлаб одамлар ундан бир зумда хабар топиши оддий ҳолатга айланган. Ушбу ҳолатнинг қулайликлари билан биргаликда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавфли томонлари кўпроқ ёшларни ўз домига торта бошлади. “Шу билан бирга, глобаллашув ва ахборот хуружлари, турли бузғунчи ғоялар таъсирида миллий ўзлик ва маънавий қадриятларимизга қарши таҳдид

ва хатарлар тобора кучаймоқда. Худбинлик, яъни, фақат ўзини ўйлаш, ҳаётга, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти сингари иллатлар турли йўллар билан аҳоли, айниқса, ёшлар онгига сингдирилмоқда” [1.]. Ахборот хавфсизлиги муаммоси давлат ва жамиятнинг барча соҳалари – иқтисодиёт, сиёсат, илм-фан, маданият, миллий ва халқаро хавфсизликнинг сифатли ахборот алмашинуви, ахборот ва телекоммуникация тизими, технология ва воситаларига тобе бўлиб қолганига асосланади..

Ҳозирги кунда бутун жаҳонда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам интернет тармоғидан фаол равишда фойдаланувчилар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. “ Ҳар бир давлат ўз ислохотларида ахборот хуружлари содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳолининг мавжуд таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетини шакллантиришга интилади. Биз қандай шароитда ахборот хуружларининг қай тарзда ва йўсинда, ким ёки қайси тармоқ орқали кириб келишидан хабардор бўлсак, ахборот олаётган манбамизни чуқур мулоҳаза қилиб, ўткир таҳлил асосида ҳолислик билан ўрганадиган бўлсак, ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳар қандай шароитда ҳам бизга ўз таҳдидларини ўтказа олмайди. Биз ёшларимизни сотсиал медиадан ажратиб олиш эмас, ундан тўғри фойдаланиб, ҳолис ва ноҳолис ахборотларни ажрата олиш қобилиятига эга даражадаги интеллектуал жамият вакилларига айлантиришимиз керак” [1]. Бундай ҳолат ҳар бир инсонни огоҳ бўлиб, ўз мустақил ғоялари билан яшашга чорлайди.

“Ҳозир интернет тармоқларида 60 мингдан ортиқ бузғунчилик, зўравонлик ва ахлоқсизликни, “оммавий маданият”ни тарғиб этадиган сайтлар фаолият кўрсатмоқда. Ана шундай кескин ва мураккаб ахборот хуружлари ва хавф-хатарларга биз қандай қарши тура оламиз? Ёшларгаинтернет ва ижтимоий тармоқлар орқали қандай маънавий ва рухий озуқа беряпмиз? Афсуски, ҳеч биримиз бунга ижобий жавоб бера олмаймиз. Ёшлардаёт ғояларга нисбатан маънавий иммунитет шаклланмас экан, “бу - яхши, бу – ёмон” деган қатъий фикр пайдо бўлмас экан, мафкуравий хатарларга қарши туриш қийин бўлади” [2..]. Мана шундай ҳолатлардан келиб чиқиб, бугунги кунда Ўзбекистонда бой тарихий маънавий мерос, миллий ўзликни англаш, тарихий хотирани тиклаш, фуқароларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтириш асосида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. .

“ Ҳар бир давлат ўз ислохотларида ахборот хуружлари содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиб, аҳолининг мавжуд таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетини шакллантиришга интилади. Биз қандай шароитда ахборот хуружларининг қай тарзда ва йўсинда, ким ёки қайси тармоқ орқали кириб келишидан хабардор бўлсак, ахборот олаётган манбамизни чуқур мулоҳаза қилиб, ўткир таҳлил асосида ҳолислик билан ўрганадиган бўлсак, ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳар қандай шароитда ҳам бизга ўз таҳдидларини ўтказа олмайди. Биз ёшларимизни сотсиал

медадан ажратиб олиш эмас, ундан тўғри фойдаланиб, холис ва нохолис ахборотларни ажрата олиш қобилиятига эга даражадаги интеллектуал жамият вакилларига айлантиришимиз керак” [3]. Бундай ҳолат ҳар бир инсонни огоҳ бўлиб, ўз мустақил ғоялари билан яшашга чорлайди.

Ҳар қандай халқ, миллат ўз мероси ва тарихий хотирасини тиклагани сари руҳан бақувват бўлиб, ундан илҳом олади, маънан бойиб, келажакка интилиб яшайди ҳамда унинг фаоллиги табиий равишда ошиб бораверади. Мафкуравий хуружлар миллий мерос ва тарихий хотирага нисбатан бефарқлик асосида ички ва ташқи таҳдидларнинг кучайишига, миллий маънавиятга эътиборнинг пасайишига олиб келади.

Тарихий тафаккури шаклланган, мустақил фикрига эга ёшларимиз сиёсий жиҳатдан етук ёшлар жамият тараққиётининг гаровидир. Шахсининг соғлом ўсиб улғайиши, унинг интеллектуал ривожланиши, жисмонан соғлом, маънавий етук, ҳар тамонлама камол топиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши ва самарали фаолият олиб боришида тарихий тафаккурнинг шаклланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Тарихий тафаккурнинг шаклланганлиги ёшларда эртанги кунга ишонч билан қарашга ва фақат олдинга интилиб яшашга ундайди. Тарихий тафаккур аввало талаба-ёшларнингларнинг дунёқараши, сиёсий ва ҳукукий маданияти, фуқаролик позитсиясида намоён бўлади. “Келажакимиз, ворисларимиз тақдирига дахлдорлик, уларни балою офатлардан асраш масаласи қўйилар экан, энг аввало ўзимизни тафаккур маданиятимизни юксалтиришимиз, шунингдек турли ҳил мақсадсиз ғоялар, мантиқсиз сериаллар билан тўлиб тошаётган кунимизда оиладаги маърифат соатлари услубидан фойдаланиш мақсадга мавофиқ бўларди” [4].

Бугунги кунда мафкуравий хуружлар ёшлар, инсон ва жамият ҳаётига, мамлакатнинг ижтимоий тараққиётига катта таъсир ўтказмоқда. Ҳозирги вақтда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация майдонида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши курашиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. М. (2021). Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент:О’zbekiston, -Б. 268.
2. Мирзиёев Ш.М. (2020). Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 4-жилд. -Б. 178.
3. Жўраев Н., Муитов Д., Қувондиқов И. Ахборотлашган жамият ва ёшлар тарбияси. – Тошкент: Нишон ношир нашриёти, 2014. –Б. 12.
4. Юлдашева М.Қ. Ахборотлашган жамиятда маънавий хавфсизлик масалалари. – Тошкент: Маънавият, 2018. –Б. 43.